

**Савол:** Совун таркибида чўчка ёғи каби нажосатлар мавжуд деб эшитдим. Диннинг бунга ҳукми нима?

**Жавоб:** Таркибида чўчка ёғи мавжуд совунлар, нажосат моддалар аралашган пишлоклар сотувда топилади. Бунинг ҳукми бир нарсанинг бошка ҳақиқатга айланиши ва ўзгариши масаласига тааллуқли бўлади. Бу тўғрида икки имомимиз Абу Юсуф ва Мухаммадлар ихтидоф қилишган. Имом Абу Юсуфга кўра нарса ҳақиқатининг ўзгариши уни покламайди. Имом Мухаммад раъйларича бу билан нарса покланади. Чунки Шорё унга ишлатган нажосатлик сифати кетиб, бошка нарсага айланди. Масалан хайвонлик ва ўлганлик сифати балан нажосат ҳисобланган хайвон тузга айланиш билан тохир ва пок бўлди. Чунки унинг нажосатлигига ҳукм берган ҳақиқати энди мавжуд эмас.

Мазҳаб уламолари бу тўғрида имом Мухаммаднинг мазҳабларини ихтиёр қилишган ва фатво шунга дейишган. “Хидоя” шарҳи “Фатҳул Кодир”да шундай дейилади: “Ақсар машойхлар имом Мухаммаднинг кавлини ихтиёр қилишган. Чунки шариат нажосат сифатини ўша ҳақиқатга нисбатан ишлатди. Унинг айрим бўлақларида ушбу ҳақиқат йўқолиши билан бу ҳақиқат ҳам йўқ бўлади. Агар мазкур ҳақиқатнинг ҳаммаси йўқолсачи? Шундан келиб чиқиб нажас бўлган ёгдан тайёрланган совуннинг пок эканлигига ҳукм қилинади.

Ибн Обидийн “Мужтаба”дан нақл қилиб шундай дейдилар: “Нажосат ёғ ишлатилган совуннинг пок эканлигига фатво берилган. Чунки бу ўзгаришдир. Ўзгариш эса имом Мухаммадга кўра поклагувчидир. Балва [1] бўлгани учун шунга фатво берилган. Ўлган хайвоннинг ёғи ҳукми ҳам шундай”. Сўнг “Муња”дан нақл қилиб шундай дейдилар: “Шундан маълум бўляптики, хайвоннинг нажосат бўлган ёғидан олинган совун, у хайвон чўчка ё бошқаси бўлса ҳам, покизадир. Ханафийя мазҳабида ихтиёр қилинган кавлга биноан уни истеъмол қилишга шаръан монеълик йўқдир. Шампуннинг ҳукми ҳам совунникидекдир.”

Бу масалага пишлок, ҳамиртурушларга қўшилган оз миқдордаги нажосат ёғлар ёки моддаларни ҳам қиёс қилса бўлади. Аммо у нарсаларни ҳақиқати ўзгармаган ҳолда, айнан ўзини истеъмол қилиш жоиз эмасдир.

Шайх, қози Мухаммад Такий Усманий шундай дейдилар: “Агар чўчкадан ажратиб олинган модданинг моҳияти қимёвий йўл билан ҳақиқати батамом ўзгартирилиб, бошка нарсага айлантирилган бўлса унинг ҳаромлиги ва нажосатлиги йўқолади. Агар ҳақиқати ўзгармаган бўлса, ҳаромлик ва нажосатлигича қолади. Чунки ханафийлар наздида ҳақиқатнинг ўзгаришининг поклик ва ҳаромликнинг кетишида таъсири бордир”.

Валлоху аълам

Мубашшир Аҳмад

---

[1] Балва, балвал-омм – одамларнинг кўпчилигини камраб олган ҳолат ва ходиса бўлиб, ундан сакланиш узрли бўлади. Ёки умумий ҳолатларда эҳтиёж бўладиган нарсаси. Пойафзал ёки маҳсидаги нажосатни ишқаш билан покланиши каби.